

Жиззах вилояти статистика бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) ягона тизимига кирувчи ҳудудий давлат статистика органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Давлат статистика қўмитасига бўйсунди.

Статистика бошқармаси (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқарма), шунингдек, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар ва бевосита Давлат статистика қўмитасига бўйсунди;

Ҳудудда жойлашган туман (шаҳар) статистика бўлимлари ҳудудий бошқарманинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

3. Ҳудудий бошқарма маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг расмий статистика ахборотига бўлган эҳтиёжини қондирувчи, яхлит илғор статистика ахбороти тизимининг фаолият кўрсатишига йўналтирилган расмий статистика соҳасидаги ягона сиёсатни амалга оширишда иштирок этади.

4. Ҳудудий бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, қарорлари, топшириқлари ва кўрсатмаларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини бошқа маҳаллий давлат органлари ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорликда, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик қилишдан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

6. Бошқарма ўз фаолиятини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига асосан Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ ташкил қилади.

7. Бошқарма ва ҳудуддаги туман (шаҳар) статистика бўлимлари (кейинги ўринларда статистика органлари деб аталади) қонуний фаолиятига давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳар қандай аралашшига йўл қўйилмайди.

8. Бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган бланк ва муҳрга, мустақил балансга, банкдаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

9. Бошқарма қуйидаги манзилда жойлашган: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Кимёгар маҳалласи, Тукимачилар кўчаси, 7-уй.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

расмий статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва расмий статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

ҳалқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этиш;

ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш;

давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини ҳудуд бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиш;

Статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, фойдаланувчиларнинг ҳудуднинг ривожланишини тўлиқ тавсифловчи ва иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ривожланишидаги, шунингдек, аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини янада тўлиқ очиб берувчи кўрсаткичларнинг кенг рўйхатидан эркин фойдаланишни таъминлаш;

Статистика органларининг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг масъулиятларини ошириш;

рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

11. Бошқарма ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) расмий статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш ва расмий статистика соҳасини мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

статистика маълумотларидан фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда истиқболли мақсадлар ва йўналишларни, расмий статистикани ривожлантириш учун кадрлар билан ва молиявий таъминлашни белгилайди; Давлат статистика ишлари дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлайди;

статистика органлари таҳлилий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни кўради;

расмий статистика тамойилларига риоя этилишини ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлайди;

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этиш соҳасида:

фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат статистика кузатувлари шакллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Давлат статистика қўмитасига киритади;

давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этилишини ташкил этади, жумладан ҳисобот тақдим этувчи субъектларни тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шакллари тўғрисида хабардор қилади ҳамда уларни электрон шаклда тўлдирish ва тақдим этиш бўйича тушунтиришлар беради;

давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологиясига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлайди;

в) ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилишини таъминлайди;

худуд бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган давлат статистика кузатувларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этади;

худудларни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишининг боришини ўз вақтида ва ишончли статистик ҳисобини таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, уй хўжаликларини статистик кузатишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методологияга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этади ва таъминлайди;

худуд бўйича энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг дастлабки статистик таҳлилинини олиб боради;

статистика, ҳисобот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик

ахборотларнинг қулайлиги, очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиладиган тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектларга электрон ҳужжат шаклидаги давлат статистика кузатувлари шаклларини тузиш ва тақдим этиш учун махсус дастурий таъминотдан бепул фойдаланиш имконини беради;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашади, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини амалга оширади, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини қўлланишини таъминлайди;

Бошқарма веб-сайтини шакллантиради, юритади ва янгилаб боради, фойдаланувчиларга ундан ва Давлат статистика қўмитасининг ахборот ресурсларидан фойдаланишга доир тушунтиришлар беради;

олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, статистика органлари фаолияти жараёнида юзага келган архив ҳужжатларини комплекшлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида Бошқарма фаолияти жараёнида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа махфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлайди;

г) давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини ҳудуд бўйича статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш соҳасида:

фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун ҳудуд бўйича статистик ахборотларнинг максимал даражада очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини таъминлайди;

ҳудудларнинг ривожланишини тизимли таҳлил қилиш бўйича бошқа ҳудудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

маҳаллий оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларини тавсифловчи комплекс таҳлилий маърузалар, пресс-релизлар ва мақолалар тайёрлайди, тарқатилаётган статистик

маълумотларга таҳлилий ва маълумотнома материаллар мажбурий тартибда илова қилинишини таъминлайди, ушбу материалларни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида (маҳаллий телеканалларда) бериб борилишини ташкил этади;

миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда ҳудудларнинг ривожланишини, ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини, аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини янада тўлиқ акс эттирадиган статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашда иштирок этади;

очиқ статистик маълумотларни Бошқарма расмий веб-сайтида жойлаштириш йўли билан тарқатади ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлайди;

Бошқарманинг маълумотлари асосида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида (маҳаллий телеканалларда) таҳлилий лавҳалар, диаграммалар ва графикларни кенг намойиш қилиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради;

шартнома асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот, ноширлик хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;

д) Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри ва статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиш соҳасида:

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида ҳудудда жойлашган юридик шахсларни тўлиқ ҳисобга олишни ва улар фаолияти ҳолатидаги ўзгаришларни мониторинг қилишни таъминлайди;

интернет-ресурсларга жойлаштириш йўли билан статистик классификаторлар ва уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга тақдим этади;

е) статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, фойдаланувчиларнинг ҳудуднинг ривожланишини тўлиқ тавсифловчи ва иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ривожланишидаги, шунингдек, аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини янада тўлиқ очиб берувчи кўрсаткичларнинг кенг рўйхатидан эркин фойдаланишни таъминлаш соҳасида;

статистика ахборотларининг тезкорлик билан узатилишини ва қайта ишланишини таъминловчи янги ахборот-коммуникация ресурслари

ва технологияларини статистика органлари фаолиятига жорий этишда иштирок этади;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот алмашишнинг ҳимояланган электрон кўринишига босқичма-босқич ўтиш, хавфларга қарши тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-техник базани такомиллаштириш бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан қабул қилинган чора-тадбирларни амалга оширади;

статистика органлари ахборот ресурслари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат статистикаси ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;

статистика органларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширилишини ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этилишини таъминлайди;

ж) статистика органларининг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг масъулиятларини ошириш соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида статистика органлари ишини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўради;

статистика органлари кадрларининг малакаси оширилишини ва қайта тайёрланишини тизимли асосда таъминлайди;

расмий статистика соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этади, улар учун максимал қулай шарт-шароитларни яратади;

статистика фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш жараёнларида тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорлик қилади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил қилади, жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, улар бўйича қарорлар қабул қилинишини ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан расмий статистика соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишга қаратилган огоҳлантирувчи ва профилактика хусусиятига эга чораларни, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар оқибатларини бартараф этиш чораларини амалга оширади.

з) рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни амалга оширади;

рўйхатга олишга жалб этиладиган ходимларни ўқитиш ишларини ташкил этади;

рўйхатга олиш жараёнларини сифатли ташкил этилишини таъминлайди;

рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан, вақтинча сақланиши) ва йўқ қилиниши таъминлайди.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар, функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Худуддаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботини белгиланган тартибда олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Худуддаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

Худуддаги юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан, шунингдек юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг регистрлари ва ахборот базаларини шакллантирувчи ва юритувчи давлат органлари ва уларнинг идоравий мансуб ташкилотларидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва фаоллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

Худуддаги юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методология бўйича олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат статистика кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистика ахборотлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

расмий статистик маълумотлардан нотўғри фойдаланиш ва талқин қилиш ҳолатларини кўриб чиқиш, улар бўйича тушунтиришлар бериш;

барча юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан расмий статистика соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда ҳудуд бўйича йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузаётган мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари кўриш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга қўлланиладиган маъмурий жарималардан тушумлар ҳисобига Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармасини шакллантиришда иштирок этиш ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бошқарма таркибий бўлинмалари ҳамда туман (шаҳар) статистика бўлимларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ишларини амалга ошириш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

Давлат статистика қўмитаси топшириғига кўра давлат статистика кузатувларини олиб бориш учун шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиш;

ўз ваколати доирасида кенгаш ва эксперт органлари (кенгашлар, комиссиялар, гуруҳлар) тузиш;

Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда статистика масалалари бўйича халқаро семинарлар ва кенгашлар ишида қатнашиш;

шартнома асосида статистик, таҳлилий, ахборот хизматлари ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташқари бошқа хизматларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳудуддаги статистика органлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш;

Давлат статистика қўмитаси топшириғига кўра алоҳида вазифаларни бажариш учун функционал бўлинмалар ташкил қилиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Бошқарма, зарурат бўлганда, бошқа давлат органлари ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

14. Бошқарма ва унинг мансабдор шахслари уларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Бошқарманинг мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Бошқарма раҳбарлари ва ходимлари расмий статистика соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик, тарқатилиши чекланган статистик маълумотлар, статистик ахборотлар ва (ёки) маълумотлар базасини йўқотганлик, сотганлик, берганлик ва бошқа ноқонуний ошқор этганлик учун, шунингдек статистика маълумотларини яширганлик ва бузиб кўрсатганлик учун, ёхуд кўрсатиб ўтилган ҳуқуққа зид қилмишларга кўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ жавоб беради.

4-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

16. Бошқармага Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бошқарма бошлиғининг Давлат статистика қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

17. Бошқарма бошлиғи:

ҳудуддаги статистика органлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Бошқармани ифодалайди ёхуд Бошқарма номидан ишончнома ва (ёки) ваколатлар беради;

Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда, ходимларнинг белгиланган сони доирасида ҳудуд статистика органлари штат жадвалини тасдиқлайди;

Бошқармага ажратилган молиявий ва моддий-техника ресурсларини амалга оширилган давлат статистика ишлари ҳажмларига мувофиқ тақсимлайди;

Бошқарманинг таркибий бўлинмалари ва туман (шаҳар) статистика бўлимлари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Бошқарма ҳамда туман (шаҳар) статистика бўлимлари ходимларини, Давлат статистика қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

Бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, Бошқарма ва туман (шаҳар) статистика бўлимлари мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида ҳудуд статистика органларининг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ҳудуддаги статистика органлари раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини ҳал этади;

худуддаги статистика органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш тизимини шакллантиради, юқори малака учун устамалар белгилайди;

худуддаги статистика органлари кадрлар заҳирасини шакллантириш, шунингдек худуддаги статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли асосда ташкил қилади;

Бошқармага юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида зарур чоралар кўради;

Бошқарманинг кенгаш йиғилишларида раислик қилади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

18. Бошқарма бошлиғи ўринбосарлари:

мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларга бевосита раҳбарлик қиладилар ва Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар;

Бошқарма бошлиғи томонидан ўзларига юкланган бошқа функцияларни амалга оширадилар.

19. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш:

Бошқарма бошлиғи – Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан;

туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари бошлиқлари – Бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

20. Бошқармада Бошқарма бошлиғи (кенгаш раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек Бошқарма фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи бошқарма таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш 5 кишилик таркибда ташкил қилинади. Кенгашнинг шахсий таркиби Давлат статистика қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

21. Кенгаш қуйидагиларни амалга оширади:

статистика фаолияти самарадорлигини янада ошириш, худуддаги статистика органларининг функциялари ва вазифаларини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда, худуддаги статистика органлари фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган асосий йўналишларини танқидий кўриб чиқиш;

давлат статистикаси соҳасидаги сиёсатни амалга оширишда Бошқарма фаолиятида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

давлат статистика ишлари бажарилишининг бориши натижадорлигини ҳар чоракда танқидий кўриб чиқиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналаридан тушган мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бажарилиши юзасидан самарали назоратни таъминловчи ижро интизоми даражасини ошириш ҳудудда давлат статистикаси соҳасидаги энг муҳим муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ чоратadbирлар ишлаб чиқиш;

Бошқарма таркибий бўлинмалари ва туман (шаҳар) статистика бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни тизимли асосда ташкил қилиш, уларга юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишни таъминлаш.

Кенгаш Бошқарма ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

22. Кенгаш унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

23. Кенгаш қарорлари баёнлар билан расмийлаштирилади ва Бошқарма бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

Кенгаш фаолиятининг тартиби унинг кенгаш тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

Кенгаш йиғилишлари, қоида тариқасида, ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

5-боб. Бошқарма фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника таъминоти

24. Бошқарманинг мол-мулкани асосий воситалар ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати унинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

25. Бошқармани молиялаштириш ва унинг моддий-техника таъминоти Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган амалга оширилган статистика ишлари учун ҳақ тўлаш, Бошқарма томонидан Давлат статистика кўмитасига ҳар ойда тақдим этиладиган бажарилган ишлар далолатномалари асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига Давлат статистика кўмитаси томонидан таъминланади.

Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган ва уларни ишлаб чиқишга қўшимча харажатлар талаб қилинадиган қўшимча статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачилар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Бошқарма томонидан олинган фойда, амортизация ажратмалари, шунингдек бошқа тушумлар унинг ихтиёрида қолади ҳамда улардан ҳудуд статистика органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини, ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланилади.

26. Бошқарма Давлат статистика ишлари дастурини бажариш доирасида ажратилган маблағларнинг ва ўз ишларининг бошқа натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.

6-боб. Яқунловчи қоида

27. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.